

«ТАСДИКЛАЙМАН»
Ободонлаштириш бошкармасининг
бошлиғи
Т.З.Сиддиқов
2022



Чирчиқ шаҳри худудидаги Истиқлол МФЙ ички
хўжалик йўлларни таъмирлаш бўйича.

ТЕХНИК ТОПШИРИК

ЧИРЧИҚ-2022

МУНДАРИЖА

| | |
|--------------------------------------|---|
| 1.Шартнома мавзуси..... | 3 |
| 2.Шартнома буйича ишлар киймати..... | 3 |
| 3. Пудратчининг мажбуриятлари..... | 3 |
| 4.Тулов ва хисоб..... | 4 |
| 5.Кафолатлар..... | 4 |
| 6.Алохида шартлар..... | 5 |

1. Шартнома мавзуси

1.1. «Пудратчи» мазкур шартномага асосан **Чирчиқ шаҳар Истиклол МФЙ кўчаларини жорий таъмирлаш** ишларни амалга ошириш мажбуриятларини олади.

2. Шартнома бўйича ишлар киймати

2.1. Мазкур шартномадаги бажариладиган ишлар ва унинг шартномавий бугунги кундаги баҳоси

432 825 789 (тўрт юз ўттиз икки миллион саккиз юз йигирма беш минг етти юз саксон тўққиз) сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар киймати куйидаги ҳолларда қайта куриб чиқилиши мумкин:

курилиш кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда:

- ишлархажми Буюртмачитомонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

2.3. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар «Буюртмачи», ва «Пудратчи» ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни «Буюртмачи» га мазкур шартнома шартларига муфовиқ топшириш;
- курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;
- «Буюртмачини» пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- Курилиш майдонида техника хавфсизлиги ишларни бажариш вақтида, атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш,
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналар ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- курилиш майдони кўрик-ланишини таъминлаш;
- жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун жалб қилинган барча машина-механизмлар (1-м/соат), транспорт воситалари (1тн*км ёки 1м/соат) ҳамда пудратчининг бошқа харажатлари (% ҳисобида) га экспертиза хулосаларини тақдим этиш ёки шартномага асосан тузилган келушув баённомасини тақдим этиш;

- тақдим этилган экспертиза хулосаларини инобатга олиб смета нархларида ишларни бажариш, объектларда бажарилган ишларнинг ижро хужжатларини (иш чизмалари, ёпилиб кетадиган ишлар далолатномалари, материалларга счет-фактуралар ва сертификатлар, ташилган юк ва машиналар реестрлари, иш олиб бориш журналлари, иш жараёнидан фото лавхалар ва бошқалар) тўлиқ тартибда юритиш ва расмийлаштириш;
- бажарилган қурилиш-монтаж ишлари сифатини ШНК, КМК, ГОСТ ва лаборатория талаблари даражасида бўлишини таъминлайди ва тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

3.2. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

4. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

6.1. «Буюртмачи» «Пудратчига» шартнома имзолангандан кейин объектга маблағ ажратилишига қараб 30% аванс миқдорини жорий чорақда қутилаётган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб, Пудратчи ҳисоб рақамига ўтказилади.

6.2. «Буюртмачи» бажарилган ишлар учун тўловни «Пудратчига» ҳар ойда тасдиқловчи хужжатлар асосида амалга оширади.

6.3. «Буюртмачи» «Пудратчи» билан келишилган холда уларга буюртмалари асосида ЁММ, материаллар, эҳтиёт қисм ва жиҳозлар харид қилади ва харажатларини узаро ҳисоб-китоб бўлаётганда бажарилган иш ҳажмларига тулов пайтида ушлаб қолинади.

5. Кафолатлар

11.1. «Пудратчи»:

- барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларига, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни; объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

11.2. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб қамида 12 ой этиб белгиланади. Объектнинг қафолатли муддати 12 ой этиб белгиланади.

11.3. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишнинг давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар

аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар «Пудратчи» томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар «Пудратчи» бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда «Буюртмачи» мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини «Пудратчи»дан ушлаб қолиш ҳукукига эга.

11.4. «Пудратчи» нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди

6. Алохида шартлар

15.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

15.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисимларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирор-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукукига эга бўлмайди.

15.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

15.4. Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

15.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

15.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.